



## ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА УНИНГ ДАРОМАД МАНБАЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Туропова Нигора Холмурод кизи**

ТерДУ тадқиқотчиси [nigoraturopova92@gmail.com](mailto:nigoraturopova92@gmail.com)

DOI: [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss6/a22](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss6/a22)

### Аннотация

Республикамизда маҳаллий молия, жумладан, маҳаллий бюджетларнинг ролини ошириш борасида республикамизда бир қатор муҳим қадамлар қўйилди. Маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини ошириш бўйича амалий ишлар амалга оширилди. Бироқ, бу борадаги ҳолатни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш илмий зарурат ҳисобланади. Ушбу мақолада ана шу жиҳатларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** Маҳаллий бюджет, республика бюджети, маҳаллий бюджетнинг даромадлар манбаи, молия, бюджет, давлат бюджети, харажатлар йўналиши, солиқлар, бириктирилган солиқлар, тартибга солувчи даромадлар, маҳаллий солиқлар, оптималлаштириш, даромадларни тақсимлаш, бюджетлараро муносабатлар.

### СПЕЦИФИКА МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ УЗБЕКИСТАНА И ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ РОЛИ НАЛОГОВОГО МЕХАНИЗМА В УКРЕПЛЕНИИ ЕГО ИСТОЧНИКОВ ДОХОДОВ

**Туропова Нигора Холмурод кизи**

научный сотрудник ТерГУ

### Аннотация

В нашей республике предпринят ряд важных шагов по повышению роли местных финансов, в том числе местных бюджетов. Была проведена практическая работа по повышению независимости местных бюджетов. Однако научный анализ ситуации в этом отношении является научной необходимостью. В данной статье рассказывается об особенностях этих аспектов.

**Ключевые слова:** Местный бюджет, республиканский бюджет, источник доходов местного бюджета, финансы, бюджет, государственный бюджет, направление расходов, налоги, прикрепленные налоги, нормативные доходы, местные налоги, оптимизация, распределение доходов, межбюджетные отношения.

### PECIFICS OF LOCAL BUDGETS OF UZBEKISTAN AND ISSUES OF INCREASING THE ROLE OF THE TAX MECHANISM IN STRENGTHENING ITS SOURCES OF INCOME

**Turoпова Nigora**

Researcher TSU

## Abstract

Our republic has taken a number of important steps to increase the role of local finance, including local budgets. Practical work was carried out to increase the independence of local budgets. However, a scientific analysis of the situation in this regard is a scientific necessity. This article talks about the features of these aspects.

**Keywords.** Local budget, republican budget, source of local budget revenue, finance, budget, state budget, direction of expenditures, taxes, attached taxes, standard revenues, local taxes, optimization, revenue distribution, interbudgetary relations.

## Кириш

Қайд этиш жоизки, республикамизад маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини мустақамлашни тубдан бурилиш ясаилиши 2017 йилдан амалга оширилиб келинмоқда. Уларнинг молиявий эркинликларини кенгайтириш бўйича ҳукуматнинг қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Бугунги кунда жаҳонда маҳаллий бюджетларнинг даромадалар базасини кенгайтириш, уларнинг даромадлари ва харажатларини тўғри тузиш, уларни прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштиришга доир устувор йўналишларда, жумладан, ўрта муддатли бюджетни режалаштириш, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш, дастурий-мақсадли усулда бюджетни режалаштириш услубиётини такомиллаштириш, давлат бюджети прогноз хатоликларининг ижтимоий- иқтисодий ривожланишга таъсири бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бироқ, таъкидлаш жоизки, маҳаллий бюджетларнинг ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда унинг даромад ва харажатларини режалаштириш илмий жиҳатдан катта маънога эгадир.

## Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Ҳозирда давлат молиясини шакллантириш жараёнидаги муаммолардан бири, маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш бўлиб, бу борада иқтисодчи олимлар маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини таъминлашда солиқларнинг аҳамиятини оширишга боғлиқ эканлигини эътироф этилади. Бу жараёнлар давлатнинг сиёсий устқурма сифатида юзага келгандан бошлаб маҳаллий бюджетларнинг даромад манбалари хусусида жуда кўплаб тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, С. Allan, J. Armstrong, М. Asher, А. Auerbach, J. Davis, J. Keynes, L. Klein, С.Шахрай А.Бланкенегель, Н. Белуха, Д. Бахран, Ш.Соян, О.В.Врублевская, М.В.Романовский, И.А.Пашкевич, Н.Л.Марголина, В.М.Родионова, Т.В.Гуйда<sup>1</sup> каби олимлар бу борада

<sup>1</sup> Allan C. (1965). Fiscal Marksmanship, 1951-63. Oxford Economic Papers, 17(2), 317-327.; Armstrong, J. & Fildes, R. (1995). On the selection of Error Measures for Comparisons Among Forecasting Methods. Journal of Forecasting, 14, 67-71.; Asher, M. (1977). Fiscal Marksmanship in Singapore, 1966 to 1974-75. SuaraEkono'd, 14, 11-22.; Auerbach, A., 1999, «On the Performance and Use of Government Revenue Forecasts» National Tax Journal, Vol. 52 (December), pp. 767-82; Davis, J. (1980). Fiscal Marksmanship in the United Kingdom, 1951-78. Manchester School of Economics & Social Studies, 48(2), 187-202.; Klein, L. (1974). A textbook of econometrics (pp. 341-42). (NJ): Prentice-Hall.; С.Шахрай Финансовый контроль в XXI веке/ Шахрай С.М.// Налоги. М.-2004.-№12, А. Бланкенегель Теория и практика конституционного контроля в ФРГ // Советское государство и право. – 1989. – № 1. – С. 102., Н. Т. Белуха. Контроль и ревизия в отраслях народного хозяйства: учебник. – М.: Финансы и статистика, 2002. 4., Д.Н.Бахран. Административное право России. – М., 2001. – С. 166., С.К.Шардан, Инструментарий государственного финансового контроля. Вестник Академии знаний №38 (3), 2020., Ш.Ч. Соян. Проблемы государственного финансового контроля. Journal of Economy and Business, vol.11-3 (57), 2019., Пенчук А.В. Государственный финансовый контроль в Российской Федерации и направления его совершенствования // Концепт. – 2014. – № 07 (июль). – ART 14177. – 0,4 п. л. – URL: <http://e-koncept.ru/2014/14177.htm>. – Гос. рег. Эл № ФС 77-49965. – ISSN 2304-120X., Переверзева Татьяна Викторовна. Государственный финансовый контроль расходов бюджета на финансирование социальной сферы. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук Специальность 08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит. Донецк 2018., Платонова Светлана Евгеньевна. Механизм совершенствования государственного

алоҳида илмий тадқиқотлар олиб борган бўлса, маҳаллий олимларимиздан, Ҳ.Р.Собиров, Т.Маликов, О.Олимжонов, Н.Жумаев, О.Камолов, С.Элмирзаев, А.Маманазаров, Х.Қурбонов, А.Исламқулов, А.Суванов, Ҳ.Қобулов, С.Исмоилова, Ж.Эргашев кабилар маҳаллий бюджетлар билан боғлиқ турли даражадаги илмий тадқиқотларни олиб борган<sup>2</sup>. Жумладан, А.Исламқулов бюджетлараро муаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш масалаларини илмий тадқиқ этган бўлса, ёш олимларимиздан Ж.Эргашев маҳаллий бюджетларнинг даромадларини прогнозлаштириш ва бунда солиқ тушумлари орқали мустаҳкамлаш муаммоларига тўхталган, ўз навбатида С.Исмоилова эса, маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш масалаларини кенгроқ тадқиқ этган. Бироқ, фикримизча бугунги кунда маҳаллий бюджетларга бириктирилган ва тартибга солувчи солиқларни мувофиқлаштириш орқали маҳаллий бюджетларнинг барқарорлигини таъминлаш масалалари ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

### **Тадқиқот методологияси**

Моҳиятига кўра давлат бюджети мамлакат молия тизимининг таркибий қисми бўлиб, шунга мос равишда молия тизимига доир барча белги (хусусият)ларга эга ва унга тегишли бўлган барча функцияларни бажаради. Бир вақтнинг ўзида, давлат бюджети фақат ўзига хос бўлган характерли хусусиятларга ҳам эгадирки, улар ўз навбатида, давлат бюджетини молия тизимининг бошқа бўлинмаларидан ажратиб туради ва унда марказий ўринни эгаллашга асос бўлади. Унинг ана шундай хусусиятларидан бири бевосита давлатга тегишли эканлигидир. Ҳақиқатдан ҳам ҳар бир мамлакатда давлат барча молиявий муносабатларнинг ташкилотчиси бўлса-да, унинг бу хислати, яъни мамлакатнинг моддий ва молиявий ресурсларни асосий тақсимловчи сифатидаги роли фақат бюджетда катта куч билан намоён бўлади.

---

финансового контроля Специальность 08.00.10 - Финансы, денежное обращение и кредит автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. 2013., Бурцев В. В. Организация системы государственного финансового контроля в РФ: теория и практика. – М.: Дашков и К, 2002., Васильева М. В. Государственный финансовый контроль в управлении регионом. – Волгоград, 2003. – 182 с., Крикунов А. В. Сущность, организация и перспективы государственного финансового контроля в РФ. – СПб.: Изд. СПб государственного университета экономики и финансов, 2001., Финансовое право: учеб. / под ред. Н. И. Химичевой. – М.: Юрист, 2004., Шохин С. О. Воронина Л. И. Бюджетно-финансовый контроль и аудит. Теория и практика применения в России. – М.: Финансы и статистика, 1997.

<sup>2</sup> Маликов Т. Олимжонов О. Молия. Дарслик. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2019. – 800 б. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2009. – 556 б. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет даромадлари ва харажатлари. Ўқув қўлланма. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 245 б. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет (тизими, тузилмаси, жараёни). Ўқув қўлланма. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2008. – 84 б. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2008. – 112 б. Пўлатов Д.Ҳ., Нурмухамедова Б.И. Ҳазначилик. Дарслик. – Т.: “Sano-standart”, 2014. – 272 б. Фуқаролар учун бюджет. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, ВМТТД. – Т. 2018. – 96 б. Нурмухамедова Б.И. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2018. 358-521-бетлар. Нурмухамедова Б.И., Срождиддинова З.Х., Сугирбаев Г.Г. Ўзбекистон Республикасида таълим харажатларини режалаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: “InfoCapitalGrup”, 2013. – 447 б. Нурмухамедова Б.И., Кабирова Н.В. Молия. Ўқув қўлланма. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2017. – 228 б. Ҳайдаров Н.Ҳ., Ўроқов У. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими ва жараёни. Ўқув қўлланма. – Т.: “Baqtriya-press”, 2015. – 168 б. Юлдашева Н.В. Местные бюджеты: учебно-методическое пособие. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2015. – 362 с. Ҳайдуллоев Ё.Ш., Азизов И.А. Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш. – Т.: “infoCOM”, 2010. – 152 б. Раҳмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришни такомиллаштиришнинг методологик асослари. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2017. 248 б. Раҳмонов Д.А. Европа Иттифоқи мамлакатларида соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш тенденциялари // Biznes-Эксперт. – Тошкент, 2016. - №8. –Б.38-41. Раҳмонов Д.А. Олий таълим тизимини молиялаштиришнинг самарадорлиги – мамлакатлар инновацион ривожланиши омили сифатида // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2017. - №1. – Б. 141-145. Раҳмонов Д.А. Ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар (илмий электрон журнал). – Тошкент, 2017. - №2. Раҳмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг назарий методологик асослари // Халқаро молия ва ҳисоб (илмий электрон журнал). – Тошкент, 2017. - №5. – Б.1-9. ва б.

Давлат бюджети жуда кенг қамровли ва мураккаб тушунча бўлиб, уни бошқаришда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, тегишли кодекс, қонун, фармон, қарор ва қонуности ҳужжатлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Уларнинг ичида энг муҳимларидан бири “Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети Кодекси” ҳисобланади<sup>3</sup>. Давлат бюджети орқали ялпи ички (миллий) маҳсулотни тақсимлашнинг бу босқичлари бир вақтнинг ўзида ва узлуксиз содир бўлсада, бу уларнинг нисбатан алоҳидалигини ҳам инкор этмайди. Бу босқичларни бўлиш ва уларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш орқали бюджетли тақсимлашнинг характери, шакли ва методлари тўғрисида осонроқ ва аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Турли даражадаги бюджетлар ва давлат бюджети маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини ифодаладиган, давлат бюджети жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда давлат бюджети маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатлар мажмуи давлат бюджети тизими дейилади.

Давлат бюджети тизими мамлакат давлат бюджети тузилишининг таркибий қисми бўлиб, унинг маълум бир қисмини ўзида ифода этади. Шу маънода, давлат бюджети тизими давлат бюджетининг ўзаро боғлиқликда бўлган бўғинларининг ўзаро йиғиндисидан иборатдир. Мамлакатнинг давлат бюджети тизими жамиятнинг сиёсий тузилишига, давлатнинг иқтисодий тизими ва унинг маъмурий-ҳудудий бўлинишига бевосита боғлиқ.

Молиянинг ўзагини аксарият иқтисодчилар таъкидлаганидек, иқтисодий тақсимот муносабатлар ташкил этиши, у давлат фаолиятининг муҳим ажралмас функциялари сифатида ҳам амал қила бошлади. Маҳаллий бюджетлар бу давлатнинг молиявий режаси ҳисобланади. Молиявий режа эса, “умумий ва оддий кўринишда, молиявий режаларни тузиш ва амалга ошириш жараёни назарда тутилади. Молиявий режани, худди уни ишлаб чиқиш, яратиш ёки тузиш жараёни каби молиявий кўрсаткичларни ижодий таҳлил қилиш, умумлаштириш ва ўзаро боғлаш тизими сифатида тушуниш керак.

Ҳар бир мамлакатнинг давлат бюджети тузилмаси унинг миллий-давлат ёки маъмурий-ҳудудий тузилиши билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 64-моддасига кўра, “инсонпарварлик ёрдами аҳолининг ижтимоий ночор гуруҳларига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий соҳа муассасаларини қўллаб-қувватлаш, табиий офатлар, авариялар ва ҳалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш учун дори воситалари ва тиббий буюмлар, озиқ-овқат, халқ истеъмоли товарлари, бошқа товарлар, шу жумладан асбоб-ускуналар, транспорт ва техника, шунингдек ихтиёрий хайриялар, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш”<sup>4</sup> тарзидаги беғараз ёрдам манбалари ҳам маҳаллий бюджетларнинг даромадлари сифатид эътироф этилади. Техник кўмаклашиш маблағлари асбоб-ускуналар ва технологияларни сотиб олиш, тажриба-конструкторлик ишларини, илмий ёки бошқа тадқиқотларни ўтказиш, ходимларни даволаш, ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта

<sup>3</sup>Дарсликнинг давлат бюджети билан боғлиқ бобларини тайёрлашда мазкур кодекс муҳим манба сифатида ишлатилди.

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 64-моддаси

тайёрлаш, маслаҳат хизматлари кўрсатиш ҳамда қонунчиликка мувофиқ бошқа мақсадлар учун натура кўринишдаги ва пул шаклидаги грантлар тарзида берилади.



**1-расм. Маҳаллий бюджетлар харажатлари<sup>5</sup>**

Мамлакатимизда маҳаллий бюджетлар харажатларининг самарали сарфланишини таъминлаш муаммосини муваффақиятли ҳал этишда бу йўналишдаги халқаро тажрибани ўрганиш, тегишли хулосаларни чиқариш ва улардан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, бу ерда барча ривожланган мамлакатлар тажрибасига мурожаат этмасдан, балки Ўзбекистон бозор иқтисодини унинг ижтимоий йўналтирилган моделини қўллаб шакллантираётган экан бундай вазиятда айнан шу моделни қўллаб юқори ижобий

<sup>5</sup> Қонунчилик ҳужжатларига асосан муаллиф томонидан тузилган.



натижаларга эришган давлатларнинг амалий тажрибаларини ўрганишга устуворлик бериш ўзининг мантикий асосига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги 445-сон “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори маҳаллий



**2-расм. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5283-сонли фармонида белгиланган маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини кенгайтириш йўналишлари<sup>6</sup>.**

молия тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилди. Мазкур қарор билан маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш ва янги ижтимоий

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5283-сонли фармони асосида тузилган.

лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари параметрларининг бажарилишига, шунингдек давлат мақсадли дастурларини барқарор молиялаштиришнинг муҳим омили сифатида маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш вазифалари юклатилдики, маҳаллий молия тизимида солиқ ва молиявий маъмурчилик механизмларининг қулай усуллари кучайтирилди.

Мамлакатимизда маҳаллий бюджетлар харажатларининг самарали сарфланишини таъминлаш муаммосини муваффақиятли ҳал этишда бу йўналишдаги халқаро тажрибани ўрганиш, тегишли хулосаларни чиқариш ва улардан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, бу ерда барча ривожланган мамлакатлар тажрибасига мурожаат этмасдан, балки Ўзбекистон бозор иқтисодини унинг ижтимоий йўналтирилган моделини қўллаб шакллантираётган экан бундай вазиятда айнан шу моделни қўллаб юқори ижобий натижаларга эришган давлатларнинг амалий тажрибаларини ўрганишга устуворлик бериш ўзининг мантиқий асосига эгадир.

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини тўдан мустаҳкамлаш ва номарказлаштириш асосида ҳудудларни комплекс ривожлантиришни барқарор молиялаштириш, бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, янги иш жойлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳисобига солиқ салоҳиятини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда уларнинг масъулиятини оширишни таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси. 452-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 52-I-сон; 2014.- 36-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат Бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ – 657 – сонли Қонуни.- [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Мирзиев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент:Ўзбекистон, 2021.-464б.
4. Маликов Т.С. Молия. Дарслик. Тошкент. 2019. 985 б.
5. Срождидинова З.Х. Бюджетная система Республики Узбекистан. Учебник. Ташкент, - 2010.- с.480
6. Сычёв Н.Г., К.И. Таксир. Финансово-экономические проблемы муниципальных образований. М.: Финансы и статистика. 2020. – с.703